

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ



**«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИ ВА
ТАЪЛИМИДАГИ МУАММОЛАР»**

Республика илмий-амалий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ



Жиззах, 18 июнь 2022 йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИ ВА
ТАЪЛИМИДАГИ МУАММОЛАР”**

Республика илмий-амалий конференцияси материаллари

Жиззах 18 июн 2022 йил

Жиззах 2022

жиноятчилик билан камраб олиш ҳолати, зоналар доирасидаги жиноятчилик даражасидаги фарқлар каби хусусиятлари ҳисобга олинди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.12.2021 й. ПҚ-31-сон "Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори
2. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, "Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. Т. 2000-2005
3. Ismailova Z.U. O'zbekiston mustaqilligi sharoitida qishloq turmush tarzi yangilanishining ijtimoiy-siyosiy va ma'naviy omillari: Fal. fan. nom. ... dis. – T., 1999. – 130 b.
4. Сикач К.Ю. Географические факторы динамики преступности на Украине в 1990-2012 гг.: дис.кон.геогр.наук: 25.00.24 – Симферополь, 2016. – 213с.
5. Бадов А.Д. География преступности в России в постсоветский период: дис. д-ра геогр. наук :25.00.24 / Бадов Александр Даурбекович. – Краснодар, 2009. – 496 с.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУҒИЛИШ ДАРАЖАСИНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИХАТЛАРИ

Мухамедов Одил Лапасович (Самарқанд давлат университети Ижтимоий-иқтисодий география кафедраси доценти, география фанлари номзоди).

Зайнутдинова Дилноза Кахрамановна (Самарқанд давлат университети Ижтимоий-иқтисодий география кафедраси таянч докторанти)

Аннотация Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси ва вилоятларида туғилиш кўрсаткичидаги ўзгаришлар мустақиллик йиллардан то ҳозиргача бўлган даврдаги ҳолати таҳлил қилинган ва таъсир этувчи омиллар ўрганилган.

Калит сўзлар: демографик жараёнлар, туғилиш коэффициенти, миллий менталитет, аҳолининг табиий ҳаракати, ёш-жинсий таркиби, миграция, геодемографик тўлқинлар.

Маълумки, аҳолининг учта муҳим функцияси бор: **биринчидан** у асосий ишлаб чиқариш кучи ҳисобланади, **иккинчидан**, аҳоли айна вақтда ўзи яратган моддий ва маънавий бойликларни истеъмолчисидир, **учинчидан** эса у ўз-ўзини такрор барпо этиш хусусиятига эга. Аҳолининг айнан шу учинчи хусусияти, яъни унинг такрор барпо бўлишини тадқиқ этиш бевосита демография фанининг вазифасидир. Унинг, аниқроғи, аҳоли табиий ҳаракатининг ҳудудий жиҳатлари ёки тафовутларини ўрганиш эса айна вақтда иқтисодий ва ижтимоий география фанининг муҳим тармоғи бўлган аҳоли географиясининг тадқиқот объектларидан биридир.

Демографик жараёнларни демография ва аҳоли географияси қиррасида ўрганишда икки хил ёндашув мавжуд: демогеография ва геодемография умуман олганда, улар орасида, тизим-таркиб нуқтаи назардан қараганда, жиддий фарқ йўқ. Фақат биринчисига бевосита демографик жараёнлар асос қилиб олинади ва уларнинг ҳудудий жиҳатларига эътибор қаратилади; иккинчисида эса география, яъни ҳудуд асос бўлиб хизмат қилади ва тадқиқотларда ундаги демографик жараёнлар ўрганилади. Демак, юқоридаги йўналишларни бир-бирига қарши қўймаган ҳолда демографларнинг

худудий фикрлашини демогеография, географларнинг демографик ёндашувини эса геодемография, деб аташ мумкин. Бизнинг ушбу тадқиқотимиз айнан иккинчи йўналишга тўғри келади. Шу нуқтаи назардан аҳоли табиий ҳаракатининг худудий жиҳатлари ёки геодемографик тизимини қуйидагича тасвирлаш мумкин (1.1-расм). Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кейинги 1991-2005 йиллар мобайнида республикада тугилиш кўрсаткичлари пасайиб борган ва у табиий кўпайишнинг қисқаришига олиб келган. 1991 йил республикада табиий кўпайиш кўрсаткичи ҳар минг аҳолига 28,3 промиллени ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб у 14,9 промиллега тенг бўлди. Бу давр мобайнида табиий кўпайиш 13,4 промиллега камайган. Ушбу ҳолат табиий кўпайиш даражаси доимо юқори бўлиб келган Сурхондарё (36,9 %) ва Қашқадарё (35,8 %) вилоятлари учун ҳам хос (17,6 ва 18,1 %). 2003 йилда республика ва унинг барча вилоятларида табиий кўпайиш кўрсаткичи пасайиб кетган. Биргина Тошкент шаҳрида бу ҳолатнинг акси кузатилиб, табиий кўпайиш даражаси 101,6 фоизни ташкил этди. 2004 йилда эса табиий кўпайиш коэффиценти доимо юқори бўлиб келган Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ушбу жараён бироз сустроқ кечган (99,4 - 96,9 %).

Умуман олганда, 2004 йилда 2003 йилга қараганда тугилиш даражасининг бироз бўлсада ошганлиги ва ўлим ҳолатларининг нисбатан камайганлигини, бинобарин, демографик вазиятнинг бирмунча яхшиланганлигини кўриш мумкин. Аммо 2005 йилда республика ва унинг барча минтақаларида табиий кўпайиш даражаси пасайган (Бухоро вилояти бундан мустасно-102,7 %). Бунга, албатта, олдинги йилга нисбатан тугилиш кўрсаткичининг камайганлиги ва ўлим ҳолатларининг ошганлиги сабаб бўлган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республикада вужудга келган ижтимоий-иқтисодий муаммолар маълум даражада тугилиш даражасининг пасайишига сабаб бўлди. Тугилиш умумий кўрсаткичининг пасайишига гўдаклар ўлими, аёлларнинг меҳнат фаолияти, уй-жой ва болалар муассасалари билан таъминланганлик даражаси, экологик омил ва бошқалар ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, 1991-2005 йиллар оралигида тугилиш коэффиценти мунтазам тушиб кетган. Мазкур йилларда республикада тугилиш 14,2 промиллега камайган, яъни 34,5 промилледан 20,3 промиллега тушиб қолган. Бу хусусда Тошкент шаҳрида камайиш минимал ҳолатда (4,4 %). Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, тугилиш даражаси доимо юқори бўлиб келган, Сурхондарё (42,5 %) ва Қашқадарё (41,1 %) вилоятларида мазкур кўрсаткичнинг тушиш «тезлиги» бирмунча юқори. Бироқ, бундай камайишга қарамасдан, мазкур минтақалар тугилиш кўрсаткичининг катталиги билан республикада олдинги ўринларни эгаллаб келмоқда (21,9 ва 22,2 %). Тугилишнинг сезиларли даражада камайиши Наманган ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ҳам кузатилади.

1991-2005 йилларда республикада демографик жараёнлар ривожланишида ўзига хос давр бўлди, яъни тугилиш даражасининг тушиш тезлиги жадаллашган. 2000-2005 йилларда тугилиш коэффиценти ўртача 20,6 промилледан иборат бўлган. 1991-2020 йиллар давомидаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, тугилиш даражасининг энг паст кўрсаткичлари айнан 2000-2005 йилларга тўғри келган. Республика аҳолисининг миллий таркибида маҳаллий миллат вакиллари салмогининг ўсиши ва ўзига хос миллий менталитет тугилиш даражаси камайишининг энг паст кўрсаткичига етиб келганлиги ва бу қуйи чегара эканлигини сатистик маълумотлар таҳлили исботлади.

Социологик сўровномага кўра респондентларнинг 24-30 ёш оралигидаги таркибида қишлоқ жойларда 3-4 та, шаҳар аҳолисида 2-3 та фарзанд кўришни мақбул


кўришаётганлар улуши кўпчиликни ташкил этиши тугилишнинг минимал даражага келганлигини ва аксинча тугилиш даражаси аста-секинлик билан бироз ортишига олиб келиши прогноз қилинган эди. Айни вақтда келиб, яъни 2009-2020 йиллар давомидаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, тугилиш даражасининг секинлик билан кўтарилаётганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасида 2009 йилда тугилиш даражаси 23, промиллени ташкил этган бўлса, 2015 йилда 23,5 %, 2020 йилда 24,6 промилледан иборат бўлди. Ўрганилаётган йиллар давомидаги фарқ секинлик билан ошиб бормокда.

Вилоятлар даражасида таҳлил қиладиган бўлсак, 2009 йилда 25,4 % билан Хоразм вилояти етакчилик қилган бўлса (30 йиллик тадқиқот давомида 1 марта олдинги ўринга чиққан), иккинчи ўринни 24,9 % билан Сурхондарё вилояти эгаллади. 2010-2020 йиллар давомида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари тугилиш даражасининг юқорилиги бўйича етакчилик қилиб келмокда.


Тошкент шаҳрида тугилиш коэффициентининг паст кўрсаткичга эга бўлиши билан бир пайтда ушбу кўрсаткичнинг қисқариш тезлиги ҳам анча секинлик билан борган: 1991-2005 йиллар оралигида ўртача бир йиллик камайиш 0,27 пунктни ташкил қилади (Бироқ 2006-2020 йиллар давомида Тошкент шаҳрида ҳам тугилиш даражаси секинлик билан кўтарилиб бормокда). Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида мазкур йилларда тугилишнинг тушиш тезлиги ўртача йилига 1,45 ва 1,31 га тенг. Бу ерда тугилиш даражаси юқори бўлишидан қатъий назар, унинг камайиш суръати бошқа вилоятларга нисбатан илдамроқлигини кўриш мумкин.

Демак, тугилиш кўрсаткичи бош (бошлангич) йилда юқори бўлган ҳудудларда тезроқ ва, аксинча паст бўлган вилоят ёки шаҳарларда секинроқ пасайган.

1.1-расм. Аҳоли табиий ҳаракатининг географик омиллари



Ўзбекистон Республикаси ва вилоятларида туғилиш коэффиценти кўрсаткичлари
(ҳар минг кишига нисбатан, промилледа)



Кўрилатган даврда тугилиш жараёни қаторларининг таҳлили шуни кўрсатадики, унинг умумий камайиши айрим сабабларга кўра 1994, 1998 ва 2001 йилларда яққол кўзга ташланади, яъни бу ҳолат тугилиш контингентининг тарихий демографик хусусиятлари билан изоҳланади. Таҳлил қилинаётган йилларда яъни 1991-2005 йиллар давомида тугилиш кўрсаткичи бўйича 15 ҳолатдан 9 тасида Сурхондарё вилояти етакчи ҳисобланган; Қашқадарё вилояти 10 ҳолат билан иккинчи ўринни эгаллаган, Жиззах вилояти 9 ҳолат билан учинчи ўринни ишғол этган. Тугилиш коэффициентининг охириги ўринларини эса Тошкент шаҳри, ўн икки ҳолат билан Тошкент вилояти ва ишончли тарзда охиридан учинчи ўрин Навоий вилоятига тегишли бўлган.

Юқоридаги таҳлилларнинг 2009-2020 йиллар давомидаги ҳолатини кузатадиган бўлсак, 12 та ҳолатдан 10 тасида Сурхондарё вилояти етакчи саналади; Қашқадарё вилояти 9 та ҳолат билан иккинчи ва Самарқанд вилояти 5 та ҳолат билан учинчи ўринни эгаллади. Бундан кўриниб турибдики тадқиқот йилларида яъни 30 йил буён тугилиш даражасининг юқорилиги бўйича Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари етакчилик қилиб келмоқда. Бироқ учинчи ўринни Жиззах вилояти Самарқанд вилоятига бўшатиб берди. Тугилиш коэффициентининг охириги ўринлари ҳамон Тошкент шаҳри ва 12 ҳолатдан 7таси билан Тошкент вилояти иккинчи, 8 та ҳолат билан Бухоро вилояти учинчи ўринни эгаллади. Олдинги таҳлилда Навоий вилояти энди ўрнини Бухоро вилоятига берди. Умуман олганда геодемографик тўлқинлардаги ҳолат ҳудудлар даражасида сезиларсиз бир-бирига сингиб боради.

Аҳоли тугилиш ва табиий кўпайиш кўрсаткичларидаги ўзгаришларни ўзига хос «геодемографик тўлқинлар» (Солиев, 2005) сифатида кўриш мумкин. Бундай тўлқинлар иктисодиёт ва иктисодий географияда яратилган Н.Д.Кондратьевнинг «узун тўлқинлар» ёки Т.Хегерстранднинг «янгиликларнинг тарқалиши (диффузияси)» гоёларига ўхшаб кетади. Геодемографик тўлқинлар мамлакат ёки дунё микёсидаги демографик жараёнларнинг ҳудудий ўзгариб бориши ёки тарқалишини назарда тутди. Аммо, шу билан бирга бу тўлқинлар («изодемлар») ҳудудий жиҳатдан ҳамма вақт ҳам узлуксиз бўлмаслиги мумкин. Чунки, демографик ўзгаришлар, жумладан аҳолининг тугилиш даражасидаги янгиликлар нафақат жойнинг географик ўрнига, балки унинг мураккаб демографик ва экологик вазиятига ҳам боғлиқ. Бироқ, шунга қарамадан, геодемографик тўлқинлар йўналиши ва суръатини (тезлигини) эътиборга олиш мамлакат ва унинг минтақаларида демографик башоратни амалга оширишда маълум аҳамият касб этади.

Республикамызда аҳолининг такрор барпо бўлишидаги «янгиликлар» Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан бошланиб, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тугайди. Бу ҳолатда Тошкент вилоятидан 6-7 йил, Тошкент шаҳридан эса 15-20 йил орқада қолмоқда. Масалан, Сурхондарё вилоятининг ҳозирги тугилиш кўрсаткичи тахминан Тошкент вилоятининг 1995 йилдаги ҳолатига тўғри келади (аммо бу кўрсаткич минтақалар микёсида унча катта бўлмаган тебранишга эга).

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари тугилиш даражаси бўйича ҳамон республикада етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Мазкур минтақаларда урбанизация жараёнининг пастлиги, аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда истиқомат қилиши, шаҳарларнинг аксарият кўпчилиги қишлоқ туманлари маркази сифатида вужудга келганлиги, аҳолининг миллий таркибида маҳаллий халқ кўпчиликини ташкил этиши, миллий удум ва анъаналарнинг баъзи бир жиҳатларига шу минтақаларда эътиборнинг кучлилиги ва ҳоказолар тугилиш кўрсаткичининг нисбатан юқорилигига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, аҳоли табиий ҳаракатининг ҳудудий хусусиятларини ўрганиш асосида республика вилоятларини 1991-2020 йиллар давомида қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

1991-2005 йиллар давомида тугилиш даражаси бўйича:

- Тугилиш коэффиценти юқори бўлган вилоятлар (27,6 % ва ундан ортиқ): Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Самарқанд;
- Тугилиш кўрсаткичи ўртача минтақалар (24,9-27,5 %): Хоразм, Наманган, Фаргона, Сирдарё, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси;
- Тугилиш даражаси паст ҳудудлар (24,8 % ва ундан кам): Тошкент шаҳри, Бухоро, Тошкент, Навоий вилоятлари.

Мазкур тадқиқот йиллари давомидаги ҳолатдан келиб чиқиб республика вилоятларида тугилиш кўрсаткичларини ўртача даражада деб ҳисоблашимиз мумкин.

2009-2020 йиллар давомида тугилиш даражаси бўйича:

- Тугилиш коэффиценти юқори бўлган вилоятлар (24,1 % ва ундан ортиқ): Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд;
- Тугилиш кўрсаткичи ўртача минтақалар (22,5-24,0 %): Жиззах, Андижон, Наманган, Сирдарё, Хоразм вилоятлари;
- Тугилиш даражаси паст ҳудудлар (22,4 % ва ундан кам): Тошкент шаҳри, Тошкент, Бухоро, Навоий, Фаргона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси.

Ушбу тадқиқот йилларида эса республика вилоятларида тугилиш кўрсаткичлари паст бўлган вилоятлар улуши кўпчилиқни ташкил этишининг гувоҳи бўлди.

Умуман олганда 1991-2005 йилларда Ўзбекистон республикаси ва унинг вилоятларида ўзига хос демографик жараёнларда тугилиш коэффицентининг камайиши кузатишга бўлса, ва аксинча 2006-2020 йиллар давомида тугилиш кўрсаткичи республиканинг барча минтақаларида секинлик билан кўтарилиб бораётганлигини кузатиш мумкин. 1991-2005 йиллар демографик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари тугилиш даражасини пасайиб бориши билан белгиланса, 2006-2020 йилларда эса унинг секинлик билан кўтарилиб бораётганлиги билан белгиланади. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон республикасида демографик жараёнлар ривожланиши динамик характерга эга. Бунда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳолининг миллий ва маънавий менталитетининг ўзига хослиги, турмуш тарзидаги қулайликлар ва имкониятлар, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар ҳам демографик жараёнлар ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана.-Т.: Университет, 2002.-125 с.
2. Демографический ежегодник Узбекистана. (1991-2021).
3. Солиев А., Бўриева М., Назаров М., Мухамедов О. ва б. Қишлоқ жойлар демографияси.-Т.: ЎЗМУ, 2005.-139 б.
4. Мухамедов О.Л., Шогдорев Т.А. Жиззах вилоятининг геодемографик вазияти. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Нукус-2018.
5. Мухамедов О.Л., Шогдорев Т.А. Аҳоли тугилиш даражасининг минтақавий хусусиятлари. Ўзбекистон география жамияти ахбороти 51-жилд 2017

6. Мухамедов О.Л., Гудалов М.Р. Territorial Location Of Settlements Of Jizzakh Region And Migration Processes In Them. Natural Volatiles and Essential Oils (NVEO) ISSN: 2148-9637 Nat. Volatiles & Essent. Oils, 2021; 8(4): 15511-15515

7. Zaynutdinova D.K. The influence of natural and social conditions on the state and quality of the urban environment. Экономика и социум №4 (95) 2022. Россия

MARKAZIY OSIYO MAMLAKATLARINING TEMIR YO'L TRANSPORTI TARIXI

Kamolov M.N.

Jizzax davlat pedagogika instituti katta o'qituvchisi,
Iqtisod fanlari nomzodi

Normatov D. M.

Jizzax davlat pedagogika instituti magistranti

Annotatsiya. Maqolada temir yo'l transporti tarixi, transport tizimi, Markaziy Osiyo va O'zbekistonda temir yo'l transportining shakllanishi tarixi, musataqillik yillarida qurilgan temir yo'llar, "O'zbekiston temir yo'llari" kompaniyasi. Tezyurar "Registon" elektr poyezdi, temir yo'llarni elektrlashtirish kabilar muhokama etilgan.

Kalit so'zlar. Transport, temir yo'l transporti tizimi, tarixi, Markaziy Osiyo va O'zbekistonda temir yo'llari, Mustaqillik yillari temir yo'li, temir yo'llari kompaniyasi, loyihalash institutlari, kollejlari.

Аннотация. В статье рассказывается об истории железнодорожного транспорта, транспортной системе, истории становления железнодорожного транспорта в Центральной Азии и Узбекистане, железных дорогах, построенных в годы независимости, компании "Узбекистон темир йуллари". Обсуждены скоростной электропоезд "Регистан", электрификация железных дорог.

Ключевые слова. Транспорт, система железнодорожного транспорта, история, железные дороги в Центральной Азии и Узбекистане, железная дорога в годы независимости, железнодорожная компания, институты размытия, колледжи.

Annotation. In the article, the history of the railway, the transport system, the history of the formation of the railway in Central Asia and Uzbekistan, railways built in the years of prosperity, the company "Uzbek Railways". High-speed electric trains "Registon", electrification of Railways etc.were discussed.

Keywords. Transport, railway system, history, Railways in Central Asia and Uzbekistan, railway of the years of independence, railway company, laying institutes, colleges.

Temir yo'l transporti - yuk va yo'lovchilarni lokomotiv va motorvagonlar vositasida temir yo'l bo'ylab tashiydigan transport turi. Uning paydo bo'lishi yirik sanoat taraqqiyoti, ayniqsa, tog'kon va metallurgiya sanoati taraqqiyoti bilan bog'liq. XVIII-asr oxiri va XIX-asr boshlarida kapitalizmning rivojlanishi yuk aylanmasi tuzilmasini tubdan o'zgartirdi, temir rudasi, ko'mir, qurilish materiallari va shu kabilarni ommaviy tashishga ehtiyoj o'sdi.

1825 y. jahonda birinchi umumiy foydalanishdagi Stokton —Darlington temir yo'l (21 km, Angliya) J.Stefenson tomonidan qurilgan. 1830-yillarda Avstriya, Germaniya, Belgiya, Fransiya, Rossiyada ham temir yo'llar qurildi. 1850-1870 yillarda Osiyo, Afrika,

Musurmonqulov F. Zomin tumaniga umum geografik tavsif.....	158
Abdurahmonova D.S. Sangzor vodiysining tabiiy geografik o'rni.....	160
Abduqodirova Y.U. Qoraqaloq-Yo'zovon cho'llari va undagi to'qayzorlarni muhofaza qilish.....	164
Усмонов Ю.Қ., Муродуллаев Ҳ.Қ Республикамиз тоғ-кон саноатини ривожлантиришнинг назарий асослари.....	168
Боборахматов М.Э Олтинсой туманига табиий географик тавсиф.....	169
Murodimov U.O. Turkiston tog'larining geoeologik muammolari.....	172
2- SEKSIYA. IQTISODIY VA IJTIMOIIY GEOGRAFIYA, GEODEMOGRAFIYA VA GEOURBANISTIKA	
Тожиева З.Н., Рахмонкулова Ф.Х. Халқаро меҳнат миграцияси: мақсад, моҳият, мазмун.....	176
Комилова Н.Қ., Усманов М.Р., Ҳакимов Д.Р., Туристик дестинацияларни ўрганишнинг географик жиҳатлари.....	178
Amanbayeva Z. A., Abduhaliqov K., Mamlakatimizda ziyorat turizmi: tarix, bugun, kecha ertangi istiqbollari.....	181
Egamberdiyeva M.M., Abdazov J.A., Boboqulova D. Viloyat markazlari iqtisodiy-ijtimoiy rivojlanishining ayrim masalalari.....	185
Жумаханов Ш., Тоштемиров И. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг географик ва геоиктисодий кўрсакчилари.....	190
Xidiraliyev K.E., Tursunboyeva M.O'., Yuldoshev A.A. Shahar ekologiyasi va uning o'ziga xos jihatlari.....	194
Қурбонов Ш.Б., Ачилова Х.Ш. Шовот қишлоқ маъмурий тумани: табиати, аҳолиси ва ҳўжалиги.....	198
Комилова Н.Қ., Махмудов Б.Ҳ., Худойкулов Ш.Н. Маҳаллаларни ўрганишнинг социал географик жиҳатлари.....	205
Мухамедов О.Л, Зайнутдинова Д.Қ. Ўзбекистонда тугилиш даражасининг географик жиҳатлари.....	209
Kamolov M.N., Normatov D.M. Markaziy Osiyo mamlakatlarining temir yo'l transporti tarixi.....	216
Temirov Z.A., Inomjonova D.A. Andijon viloyatida yengil sanoat klasterlarini yanada takomillashtirish masalalari.....	220
Авезов С.А., Гулимматов И.Б., Каримов Ж.А., Матякубов М.М. Кўчмас мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказишда ва янгилашда ГАТ маълумотлар базаларининг имкониятларидан фойдаланиш.....	226
Комилова Н.Қ., Мухаммедова Н.Ж., Усмоналиев А.М. Гўдақлар ўлими ва саломатлигининг тиббий географик таҳлили.....	230
Бадалов Ў.Б., Ярашев Қ.С., Назаров Б.Х. Ўрта Зарафшон хавзасини рекреацион-туристик районлаштириш масалалари.....	234